# ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҚАЙТА ҚУРИШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

## ХОТИРЖАМЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

### Бухоро область партия комитети пленумидан

Пленум КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми талаблари асосида идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан область партия ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилди.

Докладчи область партия комитетининг биринчи секретари И. Жабборов ва музокарада қатнашган нотиқлар ғоявий-тарбиявий ишларнинг ҳаёт билан боғланишини қатъият билан мустаҳкамлаш, сўз ва иш бирлигига эришиш тўғрисида чуқур манфаатдорлик руҳида фикр юритишди.

— Мана шу принципдан чекиниш, — деб таъкидланди докладда — яқин ўтмишда область экономикасини қолоқликка олиб келди, социал соҳани ривожлантириш йўлига тўғаноқ бўлди, меҳнат коллективларида маънавий иқлимни бузди, кадрлар сиёсатида жиддий хато ва камчиликлар рўй берди. Область партия ташкилоти юз берган аҳволнинг туб сабабларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, ўтмиш сабоқларидан тегишли хулосалар чиқармоқда.

КПСС XXVII съезди қарорлари область партия ташкилотларига идеология ишидаги расмиятчиликни тугатиш учун асосий қўлланма бўлмоқда. Вобкент, Қоракўл районларининг «Узстроймеханизация» трестининг 220-кўчма механизациялашган колоннаси, Бухоро районидаги «Маданият» колхози, пиллакашлик фабрикаси партия ташкилотлари ўз фаолиятларида кескин ижобий бурилиш ясашга эришмоқдалар.

Областдаги кўпчилик коллективларда социалистик мусобақа яхши самаралар беряпти. Саноатда маҳсулот реализацияси бўйича ўн ойлик плани муваффақиятли бажарилди. Пландан ташқари 20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Экономикада силжиш юз берди деб хотиржамликка берилиш ғоят зарарлидир, деб таъкидлашди докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар. Ҳали бу соҳада шундай жиддий нуқсонлар борки, уларни тугатиш учун партия ташкилотларининг жуда қаттиқ иш олиб боришларига тўғри келади. Область саноати ҳозиргача шартномалар бўйича белгиланганидан 24 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб берди. Областда фақат бир турдаги маҳсулот Сифат белгиси билан ишлаб чиқариляпти. Кейинги кварталда ўтказилган текширишларда 40 та корхонадан 25 тасининг маҳсулоти давлат стандарти талабларига жавоб бермайди. Бу — партия ташкилотлари ва корхона маъмуриятлари ўз ишларини ҳамон қайта қуришга киришмаётганликларини, КПСС Марказий Комитетида яқинда бўлиб ўтган кенгаш талаблари асосида ўзгариш ясамаётганликларини кўрсатади. Айниқса Бухоро сут комбинати (директори В. Мокрецова, партия ташкилоти секретари Р. Мингазова), нон комбинати (В. Губина, С. Раупов), ғишт заводи (А. Ҳамроев, Е. Терехова) ва бошқа бир қатор корхоналар раҳбарларида ишчанлик, ташаббускорлик етишмаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида область партия ташкилотларининг идеология ишидаги нуқсонлари ҳаққоний тарзда танқид қилинди. Аммо айрим раҳбарлар танқиддан тегишли хулоса чиқаришмаяпти. Ҳамон уларнинг иш услубида ҳукм сураётган ваъдабозлик, масъулиятсизликка барҳам берилгани йўқ.

Масалан, йил бошида 163-қурилиш тресті ёрдамчи пудрат ташкилотлари билан Бухоро тўқимачилик комбинати пардозлаш фабрикасининг ишга тушириладиган қувватларини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш шартномасини тузган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қурувчиларнинг бу ташаббусини маъқуллади. Аммо кейинчалик қурилиш раҳбарлари, айниқса 163-трест бошқарувчиси Б. Ҳалимов бу ташаббусни унутиб қўйди. Ташаббус қоғозда қолиб кетди, шартнома эса бажарилмади. Бундай салбий мисолларни область қурилиш ташкилотларидан кўплаб келтириш мумкин. Оқибатда областда асосий фондларни ишга тушириш, қурилиш-монтаж ишлари, турар-жой ва социал-маданий объектлар барпо қилиш планлари барбод этиляпти.

Область агросаноат комплексида ҳам кўп соҳалар бўйича белгиланган план-топшириқлар сурункасига бажарилмаяпти. Пахтани машинада теришни уюштиришда йўл қўйилган масъулиятсизлик Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида ўринли танқид қилинди. Лекин Шофиркон, Когон, Ромитан район партия комитетлари, агросаноат бирлашмаларининг раҳбарлари танқиддан тегишли хулоса чиқаришмаяпти. Мазкур районларда бу йил ҳосилнинг атиги 8—9-проценти машиналар билан терилди холос.

Бундай камчиликларнинг илдизи, таъкидлашди пленум қатнашчилари, идеология иши сифат ва самарадорлиги таъминланмаётганлигидадир. Ҳозир областда сиёсий ва иқтисодий таълимга 130 мингдан зиёд тингловчи қамраб олинган. Лекин машғулотларда конкретлик, назарияни амалий вазифалар билан боғлаш етишмаяпти.

Областда ижтимоий-сиёсий марказлар суст ташкил қилинмоқда. Ишнинг бу янги формасига етарли эътибор берилмаяпти. «Билим» жамиятининг шаҳар ва район ташкилотлари ишида кабинет услубидан воз кечилмаяпти. Олот, Бухоро ва Свердлов районларида кўргазмали агитация воситалари талабга жавоб бермайди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда Олот район партия комитетининг биринчи секретари Ж. Жамолов, Бухоро тўқимачилик комбинатининг ип ўровчиси О. Черноволова, Ўрта Осиё темир йўли Бухоро бўлимининг бошлиғи С. Турдиқулов, Ромитан районидаги «Партия XXVI съезди» совхозининг бригада бошлиғи Г. Салимова, Вобкент районидаги Ушинский номли мактаб ўқитувчиси, СССР Олий Советининг депутати Ш. Гадоева, 61-автокорхона ҳайдовчиси И. Файзуллаев ва бошқалар қатнашиб, КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш борасида қилинаётган ишларни чуқур таҳлил этдилар, шунингдек, идеологик, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тугатиш юзасидан ўзларининг конкрет таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленумда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, идеология муассасаларида коммунистлар сафини кўпайтириш, хотин-қизлар билан ишлашни кучайтиришга эътибор қаратилди. Идеология ишининг барча соҳаларида қайта қуришни изчил амалга ошириш, расмиятчилик ва андозачиликни тугатиш лозимлиги ҳақида қатъий фикрлар айтилди.

Область партия комитетининг пленумида Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

**Н. НАИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## ЖАНГОВАРЛИК ҚАНИ?

### *Газета ва атеистик тарбия*

**Атеистик иш умумий иборалар, юзаки тадбирларни амалга оширишдан иборат бўлиб қолаётган жойлар оз эмас. Кўпинча партия комитетлари ва совет органлари аҳволни сиртдан яхши қилиб кўрсатишга уринишмоқда. Бу иш Жиззах районида ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги Ўзбекистон Компартияси XXI съездида танқид қилинган эди.**

**Хўш, аҳволни яхшилаш учун район партия комитети ва район Совети органи — «Коммунизм сари» газетаси қандай фаолият кўрсатмоқда.**

Кейинги даврда газета саҳифаларида атеистик тарбия мавзуида ёритилаётган материаллар сони бирмунча кўпайди. «Атеист» саҳифаси бериб бориляпти. Газетанинг шу йил 3 июнь сонида босилган «Садоқатга хуштор эшон», 26 август сонидаги «Ҳайит қурбонлари», 30 октябрь сонидаги «Ғойибдан келган табиб» сарлавҳали материаллар газетхонларнинг эътиборини қозонди.

«Учтепалик замонавий мулла» сарлавҳали материалда коммунист Ҳусан Маҳмудовнинг қилмишлари фош этилди. У Ҳ. Олимжон номли совхоз раҳбарларининг эътиборсизлигидан фойдаланиб, номигагина ишлаб, аслида эса мулла сифатида одамларни алдаб юрганлиги фош этилди. Бу корреспонденция ҳам, унинг изидан берилган материал ҳам таъсирчан бўлди.

Бироқ шу материалларни ҳисобга олмаганда, газета саҳифаларида давр талабларига мос, ўткир ва таъсирчан мақолалар жуда кам, материалларнинг савияси эса бўш. Кўп ҳолларда умумий фикрларни баён этиш, насиҳатгўйлик қилиш билан чекланиляпти. «Диний хурофотларга ўрин йўқ», «Гурунч ичидаги тошлар», «Тарбиянинг муҳим томони» каби материалларда газетхонлар ғашига тегадиган мавҳум, сийқа жумлалар учрайди. Нотўғри хулоса чиқариш фактлари ҳам бор. Масалан, газетанинг 1986 йил 12 август сонида босилган «Тарбиянинг муҳим томони» сарлавҳали мақолада районда 1986 йилда қайд этилган 1167 та никоҳнинг аксарият қисми диний йўллар билан ўтказилганлиги айтилгану, бироқ бу воқеа ёшларнинг катталарга нисбатан ҳурмати (!) натижаси сифатида талқин этилган.

Китобсеварлар район жамиятининг масъул секретари А. Муҳаммадиев ўзининг «Дафн маросими» (1986 йил, 26 июнь) сарлавҳали мақоласида шундай ҳикоя қилади: Кўчамизда онахон вафот этди... 50-55 ёшлардаги киши ваъзхонлик қилди... унга ва бошқаларга пул тарқатилди, тугун берилди. Мулла кетгач, марҳумнинг ўғлидан нега бундай қилганлигини сўрадим. «Таомили шунақа» деди у. Хўш, китоб тарғиботчиси, идеология фронтининг масъул ходими бу билан газетхонларга «томошабин бўлинглар, лекин зинҳор мулланинг кўнглини ранжитманглар». демоқчими? Ахир таъзияга келган юзлаб кишилар авторнинг ўша ерда барча қатори муллага итоат қилиб ўтирганлигини кўрган. Мулла кетгач эса, идеология фронти жангчиси унинг орқасидан гап суриштириб юрибди. «Мардлик қилиб» мақола ҳам ёзибди. Лекин мақолада бирорта аниқ факт, бирор кишининг исми-фамилияси кўрсатилмаган. Газета бундай хира, мужмал, фойдаси тегмайдиган материалларга ўз саҳифасидан ўрин бермаслиги керак. Чунки бу тарздаги пропаганданинг таъсирчанлиги бўлмайди.

Яна бир материалда эса ўрта мактаб таълимини олган Бахтиёрнинг қисқа фурсатда дин тарғиботчилари таъсирига берилиб кетганлиги ҳақида айтилади. Мақолани ўқиган кишида газета ўзи сезмаган ҳолда Бахтиёрни ўз домига илдирган, қуръондан кўплаб сураларни ёд олдирган, хуллас унинг дунёқарашини батамом ўзгартириб юборишга уринган ва бунга маълум даражада эришган кишилар маҳоратини баён этмаяптими, деган ҳақли савол туғилади.

Аслида бу ўринда ҳам газета бошқача йўл тутиши керак эди. Бахтиёрнинг бу ҳолатга тушиб қолиши сабабларини унинг оиласида олган тарбиясидан, у ўқиган мактабдан, қолаверса мактабни тамомлагандан сўнг у ҳисобда турган комсомол ташкилоти фаолиятидан қидириш лозим. Ахир ойлаб уйига келмаган фарзандни йўқлаш ота-онанинг бурчи-ку? Ёки нима учун комсомол аъзоси Бахтиёрнинг ойлаб аъзолик бадалларини тўламасдан юриши ҳеч кимни қизиқтирмади?

Атеистик тарбиянинг, зарарли иллатларга қарши пропаганданинг сустлиги оқибатида районда ислом динини бемалол тарғиб қилиш фактлари мавжуд. Кейинги йилларда масжидларни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, ҳеч қандай лойиҳа ва ҳужжатларсиз, маблағсиз, бевосита динни тарғиб этадиган катта ҳажмдаги қурилишлар бошлаб юборилди. Биргина «Қўшчинор» масжиди қурилишига 434 кубометр ёғоч, 229 минг дона пишиқ ғишт, 920 дона тунука, 80 тонна цемент ишлатилди. Бу объектда бир қатор қурилиш ташкилотлари қонунсиз иш олиб бордилар.

Улкан бино битказилгандан сўнг уч йил ўтгач, масжид қурилиши учун ҳужжатлар тайёрланди. Район ижрокоми раисининг собиқ ўринбосарлари В. Очилов ва Б. Ҳамиджоновлар ноқонуний қурилишнинг олдини олиш, бу ҳақда тегишли ташкилотларга хабар қилиш ўрнига масжид қурилишини тезлаштириш учун ёрдам бериб турдилар. Ўзи раҳбарлик қилаётган Советобод қишлоқ Совети территориясида қонунсиз масжид қурилаётганлигини билган ҳолда собиқ раиса Абдулаҳатова бу ишни кўриб кўрмаганга олиб юраверди. Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг мазкур ва шу каби қурилишларни жиддий контрол қилиш тўғрисидаги алоҳида қароридан кейин ҳам бу ишга эътибор бермади. Ички ишлар бўлимининг собиқ масъул ходими Н. Рисқулов мавжуд аҳволни юзаки ўрганиб, сохта маълумот бериш билан кифояланди.

Райондаги «Парпи ота» деб номланган «муқаддас жой»нинг қайта тикланиши хусусида ҳам шундай мисолларни келтириш мумкин. Аммо «Коммунизм сари» газетаси бундай фактларнинг юзага келиш сабаблари, бевосита айбдор шахслар, раҳбарлар ҳақида ҳеч нарса демади. Ҳатто барча масалалар чуқур ўрганилиб, ҳамма нарса жой-жойига тушганидан кейин ҳам газета жиддий чиқишлар қилмади. Район партия комитетининг бюро мажлиси ҳақидаги хабарни ёритиш билан кифояланди, холос.

Атеистик тарбияни кучайтириш, зарарли урф-одатлар ва диний сарқитларга қарши кураш район партия комитети ва унинг бюросининг, қолаверса, партиявий матбуотимизнинг муҳим бўғини — район газетасининг доимий ишидир. «Коммунизм сари» газетасида эса ҳали жанговарлик ва принципиаллик етишмаяпти. Район партия комитети редакция фаолиятини ҳар томонлама назорат қилиш, унга талаб даражасида амалий ёрдам кўрсатиш ва фаолиятини йўналтириб туриши керак.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## БУХОРО ДИЁРИДА УЧРАШУВЛАР

БУХОРО, 28 ноябрь. (ЎзТАГ). Бу ерда Испаниянинг Кордова шаҳри маданият кунлари давом этмоқда. Меҳмонлар Бухоро қоракўлчилик заводида бўлиб, қоракўл териларининг ноёб коллекцияси билан танишдилар, шу корхонанинг машҳур усталари билан суҳбатлашдилар.

Технология институтида ўтган «Бугунги Кордова» коллоквиумида Испания вакиллари ўз шаҳарлари тўғрисида гапириб бердилар, кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтардилар.

Программанинг бошқа бир — пазандалик қисми ҳам катта қизиқиш уйғотди. «Бухоро» ресторанида хилма-хил андалузия таомлари қўйилганди, Испания миллий таомлари татиб кўрилди. Кордовалик ошпазлар «Салтарео», «Гаскачо де авмендас», «Каллос» каби фирма таомлари ёқармикан, ёқмасмикан, деб бироз ҳаяжонда бўлдилар. Лекин ташвишлар ўринсиз бўлиб чиқди. Бу ерга йиғилганлар овқатларга «ҳушхўр ва тотли» деган баҳо бердилар. Испаниялик меҳмонлар эса ўзбекларнинг ўзига хос ва бой дастурхони таомларидан баҳраманд бўлдилар.

## Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

### НАЖИБ СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КОБУЛ, 27 ноябрь. (ТАСС). Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Нажиб бугун КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов бошчилигидаги Ўрта Осиё республикалари партия ва совет ходимлари делегациясини қабул қилди. Нажиб ва Совет делегациясининг аъзолари икки мамлакат партиялари, ҳукуматлари ва халқларини бирлаштириб турган дўстона ва ўзаро фойдали муносабатларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, экономика ва техника соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Дўстона ва самимий руҳда ўтган учрашувда СССРнинг АДРдаги элчиси П. П. Можаев қатнашди.

Шу куниёқ Совет делегациясини АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АДР Министрлар Кенгашининг Раиси С. А. Кештманд қабул қилди.

### ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**БАЙРУТ,** 27 ноябрь. (ТАСС). Кейинги кунларда Сайда районида фаластинликлар билан шиалар «Амал» ҳаракатининг отрядлари ўртасида бўлган аёвсиз жанглар чоғида 200 га яқин киши ҳалок бўлди ва 500 дан ортиқ киши яраланди. Сайданинг жануби-шарқида жойлашган Магдуше аҳоли пунктида кўча жанглари давом этмоқда. Байрутнинг жанубий шаҳар атрофидаги фаластинликлар бурж Албаражна ва Шатила лагерлари районида ҳам тўқнашувлар тўхтамаётир. Бу ерда ўтган кунлар мобайнида бир неча киши ўлдирилди ва 60 дан ортиқ киши ярадор қилинди.

Жанубий Ливанда Исроил ҳарбийлари бир қанча аҳоли пунктларини яна ваҳшиёна тўпга тутди. Босқинчилар мамлакат жанубида қонунга хилоф равишда вужудга келтирган «хавфсизлик зонаси» деб аталмиш зонадан шимолда жойлашган Даллаф, Зимрай, Мимас қишлоқларида жазо отрядлари тинтувлар ўтказди. Босқинчиларнинг механизациялашган соқчилари кеча далада ишлаётган деҳқонларга қарата бир неча марта ўқ уздилар.

Ливан ватанпарварлари Кантара районида босқинчиларнинг позицияларига, шунингдек Тейри аҳоли пункти ёнида уларнинг соқчиларига ҳужум қилдилар. Бир неча босқинчи ва уларнинг ёлланган одамлари ўлдирилди ҳамда ярадор қилинди. Исроилнинг иккита бронетранспортёри яксон қилинди.



*Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига*

## КИМЁГАРЛАР АҲДИ

**Қўқон суперфосфат заводининг меҳнат аҳли ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили ўн ойлик топшириғини муддатидан илгари адо этди. Айни вақтда социалистик мажбурият ҳам ошириб бажарилди. Буюртмачиларга 2,5 минг тоннадан зиёд минерал ўғит жўнатилди.**

**Кимёгарлар Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига юксак мажбурият олишган. Бу қутлуғ санагача беш йилликнинг икки йили планини бажариш учун бутун куч ва имконият сафарбар этиляпти.**

**Суратларда: 1. Бригада бошлиғи, коммунист Толибжон Хўжаев. 2. Техника назорати бўлимининг ходимлари Зодие Берберова ва Одина Ҳакимова тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти.**

**Ш. Олимов** фотолари (ЎзТАГ).



### ПОКИСТОННИНГ ЧЕГАРА РАЙОНЛАРИДА НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ

КОБУЛ. Олинаётган хабарларга қараганда, Покистоннинг Белужистон вилояти маркази Кветтада Исломобод режимининг халқ манфаатларига зид сиёсатига ҳамда афғон аксилинқилобчиларининг Белужистонда туришига қарши оммавий намойишлар давом этган. Намойишлар Покистон полицияси билан қуролли тўқнашувга айланиб кетди. Намойишчилар орасида ўлганлар ва ярадор бўлганлар бор.

Афғон босмачиларининг бедодлигидан дарғазаб бўлган Белужистон аҳолиси қўпорувчилар ва террорчилар тайёрлайдиган икки лагерга ҳужум қилдилар. Қуролли тўқнашув вақтида бир неча киши ҳалок бўлди.

Шу кунларда Покистоннинг шимоли-ғарбий чегара вилоятларида пуштун қабилаларининг жирғалари (кенгашлари) бўлиб ўтмоқда. Жанубий Вазиристонда бўлган жирғада маъмурлар олдига оппозициячи кучларга қарши жазо чораларини тўхтатиш ҳамда эркин қабилалар зоналаридан у ерда жойлашиб олган афғон аксилинқилобчиларини чиқариб юбориш талаблари қўйилди.

(ТАСС).

### ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**● ГАВАНА**

**Фарабундо Марти номидаги Миллий озодлик фронти жангчилари Сальвадорда ўтган кунлар давомида Дуарте америкапараст режимининг 45 солдат ва офицерини сафдан чиқардилар.**

**● НЬЮ-ЙОРК**

**«Ньюсуик» журналига маълум бўлишича, Рейган маъмурияти Эронга яширин равишда жами 100 миллион долларликдан ортиқ қурол-яроғ етказиб берган.**

**● ИСЛОМОБОД**

**«Американинг «Самовий урушлар» программаси инсоният учун хатардир», «Ядро қуроли таъқиқлансин», «Биз атом бомбасини эмас, нон бўлишини истаймиз», — Покистоннинг Лоҳур шаҳрида ана шундай шиорлар остида урушга қарши оммавий намойиш бўлиб ўтди.**

**● КОБУЛ**

**Афғонистоннинг Жоузжон ва Балх вилоятларида ер-сув ислоҳоти муваффақиятли давом этмоқда. Яқинда қишлоқ меҳнатчиларининг яна 300 оиласи ерга эгалик ҳақидаги ҳужжатларни олди. Вилоятларда дастлабки қишлоқ хўжалик кооперативлари ишлай бошлади. Давлат уларга бепул ва имтиёзли ёрдам кўрсатмоқда, химиявий ўғитлар, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши кураш воситаларини етказиб бермоқда. Ана шу вилоятларда бўлиб ўтаётган оммавий митингларда деҳқонлар демократик Афғонистонда ўтказилаётган прогрессив социал-иқтисодий ўзгартишларни қўллаб-қувватламоқдалар.**

**● ТУНИС**

**Совет Иттифоқи билан Тунис ўртасидаги анъанавий ҳамкорлик ўзаро манфаатли, амалий муносабатларни ҳамда дўстликни ривожлантиришга асосланади, деди ТАСС мухбирига Туниснинг «Сотримекс» миллий фирмаси президенти Рафик Каффал. Бу компания «Экспортлес» совет ташқи савдо бирлашмасининг Тунисдаги доимий шеригидир.**

**Совет ёғоч-тахта материалларига маҳаллий бозорда талаб жуда катта, улардан миллий экономиканинг турли соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. СССР ана шу араб мамлакатига машиналар ва ускуналар, қишлоқ хўжалик техникаси, аммиак, ойна ва бошқа материалларни етказиб бериб эвазига зайтун мойи ҳамда Тунис экспортининг бошқа товарларини олмоқда. Совет—Тунис товар обороти ҳажми ортиб бораётир.**

**● ҚОҲИРА**

**Мисрда дори-дармонлар нархи яна оширилганлиги эълон қилинди. Медицина препаратлари 400 дан ортиқ турининг нархи деярли учдан бир баравар қимматлашди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, бир йил ичида дори-дармонлар нархи 200 процент ошди. Бу жараённи Миср фармацевтикасида хусусий капиталнинг, шунингдек аҳолининг саломатлигини сақлашдан эмас, балки мумкин қадар кўпроқ фойда олишдан манфаатдор бўлган чет эл капиталининг зўравонлиги билан боғлиқ, деб ҳисобламоқдалар.**

**● ДАМАШҚ**

**Суриянинг Алеппо шаҳрида темир йўл транспорти мутахассислари тайёрлайдиган ўқув маркази тантанали вазиятда очилди. Бу марказ Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан қурилган.**

**Шаҳар марказида эски омборлар ўрнидаги салкам 7 гектар майдонда ўқув корпуси, лабораториялар, устахоналар, спорт зали, ошхона, кутубхона ҳамда 300 студентга мўлжалланган ётоқхонани ўз ичига олувчи замонавий бинолар комплекси қисқа муддат ичида қад кўтарди.**

**Яқин Шарқдаги биринчи ана шундай ўқув юрти ҳисобланган марказ мунтазам равишда 500 дан зиёд мутахассис, шу жумладан машинист ёрдамчилари, электрик-слесарлар, электромонтерлар, станция навбатчиларини тайёрлаб беради. Бундан ташқари бу ерда темир йўл раҳбарлари малакасини ошириш курслари ташкил этилади. Ўқув жараёнини ташкил этиш учун Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидан бу ерга 25 та ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими мастерлари келди. (ТАСС).**

## АГРОХИМИЯ: ИМКОНИЯТЛАР ВА НОБУДГАРЧИЛИКЛАР

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ўсишининг ярми минерал ва органик ўғитлар ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўлланиш орқали таъминланмоқда. Хўжаликларнинг ана шу мақсадларга сарфлаган маблағлари қўшимча маҳсулот эвазига катта фойда келтирмоқда.

28 ноябрь куни Тошкентдаги Техника уйида бўлиб ўтган республика илмий-амалий конференцияси қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлларига бағишланди. Конференция қатнашчилари республикада минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш гуркираб ривожланганлигига қарамай, уларнинг самараси ҳали ҳам етарли эмаслигини таъкидладилар. Бу эса ўсимликларнинг озиқланиши назарий масалалари яхши ишлаб чиқилмаганлиги, ўғитларни қўлланиш қоидалари бузилаётганлиги, бу ўғитларни ташиш, сақлаш ва ерга солиш чоғида катта нобудгарчиликларга йўл қўйилаётганлиги билан боғлиқдир. Минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун конференцияда деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ўғит солиш муддатлари ва усулларини янада қаттиқроқ контрол қилиш, фан ютуқлари ва илғор тажрибадан мумкин қадар тўлароқ фойдаланишга қаратилган конкрет тавсиялар ишлаб чиқилди. **(ЎзТАГ).**

### МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Жиззах область босмахонасининг коллективи йил бошида берган сўзининг устидан чиқди. Бу корхонада беш йилликнинг биринчи йилида тайёрлаб чиқаришга мўлжалланган халқ истеъмоли молларининг ҳамма хиллари муддатидан илгари ўзлаштирилди. Мактаб ўқув қуролларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилди. Ўқувчиларнинг кундалик дафтарлари, альбомлар, расм дафтарлар, ёзув қоғози, шунингдек, идора дафтарларини тайёрлаш йўлга қўйилди.

(ЎзТАГ).

## ЭҲМ ЯРАТУВЧИЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ

Қардош мамлакатлар компьютер техникаси мутахассисларининг 28 ноябрь куни Самарқандда тугаган халқаро кенгашида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатлар халқ хўжалигига кичик электрон ҳисоблаш машиналарини кўплаб жорий этишни кескин жадаллаштириш, ЭҲМларни жаҳондаги энг яхши намуналардан қолишмайдиган қилиб ишлаб чиқиш, ясаш ва программа билан таъминлашдаги кооперацияни кенгайтириш масалалари ҳал этилди. Электрон бошқариш машиналарининг етакчи конструкторлари кичик ЭҲМларни ривожлантириш асосий йўналишларини белгилаб олдилар, келгуси қўшма ечимлар моддий-техника таъминоти планини маъқулладилар, уларни ижро этиш муддатларини белгилаб олдилар.

Социалистик мамлакатлар мутахассисларининг ижодий ҳамдўстлиги яхши самаралар берди. Кўплаб ишлаб чиқарилаётган кичик электрон ҳисоблаш машиналари фан ва ишлаб чиқаришнинг кўпгина тармоқларида муваффақиятли ишлатилмоқда. Ҳамкорликни янада ривожлантириш қисқа муддат ичида қардош мамлакатлар халқ хўжалигини зарур миқдордаги замонавий ҳисоблаш техникаси билан таъминлашга имкон беради.

(ЎзТАГ).

# ИЛМИЙ ЕЧИМЛАР — ҲАЁТГА

**«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси Хива район партия комитети ва район ижроия комитети билан ҳамкорликда Фрунзе номли колхозда «Фан — қишлоқ хўжалигига» мавзуида «Очиқ хатлар куни» ўтказди.**

Тажрибали деҳқонлар, олимлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари, агросаноат комплексининг ва илмий муассасаларнинг масъул ходимлари, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари Фрунзе номли колхоз маданият саройига тўпландилар.

Мунозара ва муҳокама жонли, ошкора, принципиал тус олганлиги бежиз эмас. КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда фан-техника тараққиёти ғоят муҳим роль ўйнайди. Муболағасиз айтиш мумкинки, пахтачиликни ва деҳқончиликнинг барча тармоқларини, жамоат чорвачилигини жадал олға силжитишнинг ойдин йўли, истиқболи мана шундадир.

Фрунзе номли колхоз деҳқончиликда ва чорвачиликда фан ютуқларини, интенсив технологияни қўллашда Хива районидагина эмас, областда ҳам таянч-намуна хўжаликлардан бири ҳисобланади. Колхоз раиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати А. Мадримов агробиология фани йўл-йўриқларини, техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш асосида хўжалик қўлга киритаётган муваффақиятлар, ўн иккинчи беш йиллик режалари тўғрисида гапириб берди.

Ҳозирги вақтда колхозда олий ва ўрта махсус маълумотли 150 га яқин мутахассис ишлаб турибди. Булар — агрономлар, зоотехниклар, инженер-техник ходимлардир. Деҳқончилик илмий асосга қурилганлиги туфайли пахта майдонларининг ҳар гектаридан 38—40 центнердан ҳосил олиняпти. Дон, сабзавот, мева, пилла, чорвачилик маҳсулотлари ҳажми ошмоқда. Умумий даромад 6 миллион сўмга етди.

Аммо, нотиқ эътироф қилганидек, ишга солинмаган резервлар озмунча эмас. Фан тавсияларига ва агротехника талабларига ҳар доим ҳам етарли риоя қилинмаётир. Ердан, сувдан, минерал ва органик ўғитлардан, моддий ресурслардан ҳамма ерда ҳам оқилона, самарали фойдаланилаётгани йўқ. Комплекс механизациялаш, ерларни мелиорациялаш даражаси паст. Тезкор суръатларда олдинга бормоқ учун кўпгина ҳаётий муҳим масалаларни кечиктирмай ҳал этиш керак.

Ўртага қўйилган саволларда ана шу етилган масалалар, ечимини кутаётган талайгина муаммолар тилга олинди, ҳаққоний талаблар, конкрет таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилди.

## ПАХТАЧИЛИК МУАММОЛАРИ

**— Маълумки, Хоразм воҳаси республиканинг шимолида жойлашган. Бу ернинг иқлим, ер-сув шароити пахтанинг тезпишар, толаси саноатбоп навларини яратиш зарурлигини тақозо этмоқда. Селекциячи олимларнинг бу борадаги илмий изланишлари қандай бораётир?**

Колхоз бош агрономи С. Матёқубовнинг бу саволига Хоразм пахтачилик тажриба станцияси ғўза селекцияси бўлимининг бошлиғи, биология фанлари кандидати Ж. Йўлдошев жавоб берди. Олимнинг таъкидлашича, пахтанинг ҳозир экилаётган «175-Ф» ва «Тошкент» навлари воҳа иқлимига мос бўлса ҳам, баъзан ноқулай об-ҳаво шароити унинг пишиб етилишини кечиктиряпти. Масалан, бу йил ғўзанинг ривожи 15—20 кунга кечикди. Тезпишар сортлар яратиш, вегетация даврини қисқартириш мақсадида тажриба ва изланишлар олиб борилаётир. Биз «Хоразм-125» навини тажриба участкасида ўстиряпмиз.

**ЛУҚМА: — Ишқилиб, янги навлар тажриба участкасида узоқ қолиб кетмасин-да. Кўп йиллик илмий заҳматлар натижасини далаларда кўрайлик.**

Участка агрономи М. Жуманиёзовнинг саволи:

**— Район хўжаликларида монокультура оқибатларини тугатиш, пахта-беда алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш учун қандай резерв ва имкониятлар бор?**

Ушбу саволга район партия комитетининг биринчи секретари М. Ли жавоб бера туриб, экин майдонлари баланси ва алмашлаб экиш истиқболига тўхталди. Бедапоялар ҳозир умумий майдоннинг 12,7, келгуси йил 17 процентини, беш йиллик охирига бориб 25—30 процентини ташкил этади. Ерга ер, центнерга центнер қўшилиб, пахта ҳам кўпаяди. Экинларни тўғри жойлаштириш, ерларнинг унумдорлигини ва агросаноат комплекси бутун тармоқларининг самарадорлигини ошириш соҳасидаги ишлар планли ва илмий асосда олиб борилади.

Минерал ўғитларнинг ҳосилдорликка фойдаси муқаррар. Нотўғри фойдаланилган тақдирда у зарардан ҳам холи эмас. Тупроқ таркибини ўрганиш, минерал ўғитлардан фойдаланиш нормаси ва муддатларини яхши билиш керак. Бунга эришиш учун нималар қилиняпти? Бригада бошлиғи С. Отаевнинг саволида шу масала кўтарилди. Район агросаноат бирлашмаси кенгашининг раиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Қ. Бобожонов савол ўринли ва асосли эканлигини қайд қилиб, минерал ўғитлардан тўғри фойдаланишга эътиборни қаратди. Агроном фан тарғиботчиси, янгилик байроқдори бўлиши керак. Тупроқ картограммаларини тайёрлаш ва экинни озиқлантиришда унга қатъий амал қилиш, минерал ўғитларни тежаб сарфлаш ва органик ўғит қадрига етиш ҳосил учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

**— Ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги техниканинг қувватига боғлиқ. Чигит экадиган, қатор ораларига ишлов берадиган механизмларни олти қаторли қилиш имкони бор-у, нега бу иш тезлатилмаётир?**

Колхоз инженери О. Разоқов юқоридаги саволни берди. Бригада бошлиғи Р. Собировни қизиқтирган масала ҳам худди шунга ўхшаш: бизга ерни 50-55 сантиметр чуқурликда ҳайдайдиган плуглар керак. Бунга конструкторлар нима дейди? Район агросаноат бирлашмаси кенгаши бош мутахассиси О. Отабоев бу масалалар ва бошқа қатор талаблар республика машинасозлик корхоналари олдига қўйилганлигини билдирди. Қишлоқ хўжалик машиналарини янгилаш ва қувватини ошириш ҳақидаги таклифлар оқибатсиз қолмаслиги лозим. Чунки техникани такомиллаштириш, унинг қувватини ошириш — давр талаби.

Вилт каттагина майдонларга тарқалиб, ҳосилга жиддий зарар келтирмоқда. Бу ҳол пахтакорларни ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор Б. Бойжоновнинг саволи шу хусусда:

**— Вилтни узил-кесил тугатишга қачон эришилади?**

Фан ҳали бу саволга мукаммал жавобни бергани йўқ. Илмий изланишлар давом эттирилиши, вилт йўқотилиши лозим эканлиги таъкидланди.

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методи афзаллигидан фойдаланиш истиқболи ҳақида биофабрика мудири Ҳ. Сафоевни қизиқтирган саволга қуйидагича жавоб берилди: — Экин зараркунандаларига қирғин келтирувчи фойдали ҳашаротларни лабораторияда етиштириш мувақат характерга эга. Келгусида уларнинг табиий урчиб, кўпайиши учун шароит вужудга келтирилади.

## ҲОЛВА ДЕГАН БИЛАН...

Далачилик бригадаси бошлиғи П. Искандаровнинг саволи:

**— Ширин-шакар Хоразм қовунларининг довруғи нега сўнди? Қовунимиз шуҳратини тиклаш учун нима қилмоқ керак?**

Залда жонланиш.

Дарҳақиқат, тилими тилни ёрадиган Хоразм қовунларининг таърифи достон бўлган. Амударё соҳилларида қовун навларининг тури қирқ хилдан ошарди. Эндиликда унинг 5—6 хили қолган, холос. Бунинг устига — бемаза.

Область агросаноат комитети деҳқончилик бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Ж. Қўчқоров тармоқнинг оқсаётганлигини эътироф этди. Бу йил ҳам қовунни оқпалак касаллиги ва ҳашаротдан сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Полиз экинларидан кам ҳосил олинди. Гурвак, бешак, жийда япроқ, оқ новвот, ширинпечак, қариқиз, гулоби сингари қовун навлари йўқолиб бораётир. Воҳанинг қовунчиликдаги шуҳратини тиклаш мумкин ва лозим. Бунинг учун ерни тўғри танлаш, уруғчиликни яхшилаш, агротехника талабларига оғишмай амал қилиш зарур.

Агросаноат комплексининг тармоқ учун бевосита масъул ходими фикрига эътирозимиз йўқ. Лекин муаммони ҳал қилиш йўлларини баён қилиш билан иш битмайди. Вазифа — мақсадга эришиш, яъни Хоразм қовунлари довруғини тиклашдан иборат.

**— Бободеҳқонлар экинларнинг турини кўпайтириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилганлар. Ҳозир эса жўхорининг ўнга яқин хили, шунингдек, мош, ловия, кунжут, каноп, зиғир каби экинлар аста-секин ҳисобдан чиқиб, деярли экилмайдиган бўлди. Ёки уларни сақлаб қолиш шарт эмасми?**

**ЛУҚМА: — Колхоз ҳам, колхозчи ҳам қайси экин сердаромад бўлса, ўшани экадида...**

Бу фикр нотўғри. Экинлар структурасига фақат моддий манфаат нуқтаи назаридан ёндашиш, фойда кетидан қувиш керак эмас. Озиқ-овқат программасида ҳар бир маҳсулотнинг ўз ўрни бор. Чунончи, халқ истеъмоли учун мош ва ловия ҳам, зиғир ва кунжут ҳам зарур. Хива район ижроия комитети раиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Б. Абдиниёзов саволга жавоб берар экан, колхозларнинг экин планида, шахсий томорқадан фойдаланишда бу эҳтиёж ҳисобга олиниши зарурлигини таъкидлади.

Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Режалар амалга ошмаса, улар яхши ниятлигича қолаверади. Партиямиз деҳқончиликнинг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш вазифасини олдинга сурмоқда. Уни бажариш йўлида сабот ва қатъият билан кураш олиб бориш — мўл-кўлчилик яратиш гарови.

## ҲАММАГА ДАХЛДОР, ВИЖДОНИЙ БУРЧ

Табиатни муҳофаза қилиш — бизнинг авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиз. Бу деҳқонга ҳам, олимга ҳам, кексага ҳам, ёшга ҳам, хуллас ҳаммага даҳлдор. Бу масала «Очиқ хатлар куни» қатнашчиларининг ҳам диққат-эътиборидан четда қолмади.

Улуғ Ватан уруши ветерани О. Раҳимов воҳа кўрки бўлмиш гужум дарахтлари қуриб, нобуд бўлаётганлигини таассуф билан қайд қилди. Фан-техника тараққиёти юксак даражага кўтарилаётган бир вақтда наҳотки бунинг олдини олиш имкони топилмаса?

Ж. Йўлдошев, Ж. Қўчқоров ўсимликшунос олимлар сифатида гужум ва бошқа дарахтларни сақлаб қолиш чоралари ҳақида ўзларининг баъзи мулоҳазаларини баён қилишди. Дарвоқе, азим дарахтнинг танасини кемираётган қўнғизга қарши узил-кесил чора кўрилиши керак. Уни йўқотиш усули хусусида тортишувлар бўляпти. Одамлар фикрлашяпти, йўлини излашяпти, ҳашарот эса яшамоқда ва кўпаймоқда. Олимлар, ўсимликлар муҳофазаси учун масъул ходимлар бу жумбоқни тезроқ ечсалар, гужумлар омон қоларди.

— Колхоз балиқчилик хўжалиги ишчиси О. Оллоберганов Хива районининг Қорақут этаги территориясида кўл ва ўрмонларни сақлаб қолиш, қўриқхона барпо этиш таклифи билан чиқди. Район раҳбарлари бу таклифни қўллаб-қувватлашди. Энди гап яхши ғояни рўёбга чиқаришда, табиатга меҳрни амалий ҳаракат билан исботлашдадир.

**«Очиқ хатлар куни»да сувни, ҳавони мусаффо сақлаш, ғўза баргини тўктириш ва ҳашаротга қарши курашда безарар, самарали воситалардан фойдаланиш вақти келганлиги таъкидланди. Бу муаммоларнинг илмий ва амалий ечимини пайсалга солмаслик зарур.**

**Ж. САЪДУЛЛАЕВ, Э. ҚОСИМОВА, Ф. ЗОҲИДОВ, М. АВЕЗОВ, Ш. ИСРОИЛОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.**



## Агросаноат хабарлари

### Йиллик план бажарилди

Задарё районидаги «Гулбоғ» совхози чорвадорлари давлатга сут сотиш планини районда биринчи бўлиб бажардилар. Давлат қабул пунктларига 1200 тонна серқаймоқ сут етказиб берилди. Ҳар бир говмушдан ҳозиргача 2552 килограммдан сут соғиб олинди. Йиллик планнинг барвақт бажарилишига область Советининг депутати Фотима Ҳамдамова, Омина Исроилова, Унсиной Аҳмедова каби сут соғувчилар салмоқли улуш қўшиб, ўз боқимларидаги сигирлар маҳсулдорлигини 2800-3000 килограммга етказдилар.

А. САИДАҲМЕДОВ.

### Бўрдоқибоқарлар ютуғи

КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Охунбобоев районидаги Аминжон Ниёзов номли совхоз чорвадорлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Улар давлатга 93,5 тонна сифатли гўшт сотиб, 1986 йил топшириғини муддатидан анча илгари адо этишди. Бу йиллик планда кўзда тутилганидан 2 тонна кўп демакдир.

Т. ТЕШАБОЕВ.

### Муддатидан илгари

Ульянов районидаги «Ғалаба» совхозининг И. Ғиёсов мудирлик қилаётган сут-товар фермаси чорвадорлари қайта ишлаш саноат корхоналарига 340 тонна ўрнига 347 тонна серқаймоқ сут етказиб бериб, йиллик планни муддатидан олдин ошириб бажардилар. Давлатга топширилган сутнинг ёғлилик даражаси 4,2 процентни ташкил этди.

Қўлга киритилган бу ғалабага Феруза Ваҳобова, София Бўриева, Марҳамат Бобоқулова, Жамила Худойбердиева сингари «оқ чашма» соҳибалари муносиб улуш қўшдилар. Илғор сут соғувчилар ўзларига бириктилган говмушларнинг ҳар биридан 2300 литрдан сут соғиб олдилар.

Ғолиб чорвадорлар йил охирига қадар яна давлатга 53 тонна серқаймоқ сут топширишга аҳд қилдилар.

М. ЖЎРАЕВ.

### Асал мўл бўлди

Ромитан районидаги «Бухоро» ихтисослашган асаларичилик совхози меҳнаткашлари ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Улар давлатга 77,2 тонна асал етказиб бериб, йиллик планларини муддатидан олдин уддалашди. Давлатга аъло сифатли маҳсулот етказиб беришда Нуриддин Отаев, Шарифа Хўжаева, Жума Қурбонов ва Сайфулла Файзиев сингари асаларичилик звенолари яхши натижаларга эришдилар.

Р. ТЎЛАЕВ.

**СИРДАРЁ. Ворошилов районидаги Свердлов номли колхоз чорвадорлари ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида мавжуд 290 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 3000 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга аҳд қилганлар. Бунинг учун сигирлар юксак зооветеринария талаблари асосида парвариш қилинмоқда. Фермада чорвадорларнинг унумли меҳнат қилишлари ва кўнгилли дам олишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилган: кутубхона, ошхона, дам олиш хоналари чорвадорлар хизматида.**

**Суратларда: 1. Илғор сут соғувчи Назира Азизова ва унинг шогирди Насиба Очиповалар. 2. Ферма майдонида.**

А. Тўраев фотоси.



## Мусобақа кундалиги

ЙИЛНИНГ ЗАРБДОР МАРРАСИ:

### Муборак газчилари

Қарши чўлининг бағридан йил бошидан бери пландан ташқари миллиард кубометр газ қазиб чиқарилди. «Мубарекгаздобича» бирлашмасининг коллективи технология интизомини мустаҳкамлаш, вахта бригадаларининг касб маҳоратини ошириш туфайли бир қанча конлардан ёқилғи олишни жадаллаштирди. Беш йилликнинг биринчи йилида кавланган янги қудуқлар муддатидан илгари ишлай бошлади. Муддатини ўтаб бўлди, деб ҳисобланган ўн иккита эски қудуқ тикланди ва яна газ бера бошлади.

Бирлашма меҳнаткашлари газ қазиб чиқариш икки йиллик программаси Октябрнинг 70 йиллигигача бажарилади, деб сўз бердилар.

### Навоий қурувчилари

Навоий қурилиш бошқармасидан Владимир Алякиннинг комплекс бригадаси янги йил қутловларини қабул қилмоқда, бошқармада бригада пудрати билан ишлашни биринчи бўлиб ўзлаштирган коллектив беш йилликнинг биринчи йилига мўлжалланган ишлар программасини ҳаммадан илгари бажариб бўлди.

Алякин бригадасидаги ўн етти ишчининг ҳар бири дурадгор, бетончи, ғишт терувчи, монтажчи, пайвандловчи бўлиб ишлай олади. Уларнинг ҳар бири маҳоратда ҳам, меҳнат интизомига риоя этиб, виждонан ишлашда ҳам ёшларга ўрнак бўла олади. Шу боисдан уй-жойларни қуриш муддатлари анча қисқарди, қурилиш ишлари сифати ҳамиша юқори, таннархи эса ҳамиша нормадан пастдир. Куни кеча В. Алякин бригадаси Навоийнинг янги, ўнинчи микрорайонида яна битта уй-жойни фойдаланишга топширди. Энди Навоийда 28 оила муддатидан илгари янги уйларга кўчиб киради.

### Уйчи ипакчилари

Калинин номли совхоздан Уйчи ипак бирлашмасига келган хатда «Кўп раҳмат, азиз дўстлар! Коллективимизнинг планни бажаришига муносиб ҳисса қўшдингиз», деган сўзлар бор. Тўқувчилар ва созловчилар, мастерлар ва инженерлар асосий ишларидан бўш вақтларида 500 тоннадан кўп пахта териб, деҳқонларга ёрдам бердилар.

Баъзи кунлари совхоз далаларида 300 нафаргача ипакчи-ишчи меҳнат қилди. Асила Раҳмонова, Кимё Қаҳҳорова, Фарида Дадамирзаева, Маҳфуза Юсупова ва бошқалар теримнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлишди. Улар мавсум мобайнида хирмонга тўрт-беш тоннадан пахта топширдилар. Шу вақт мобайнида асосий маҳсулот тайёрлаш ҳам пасаймади. Коллектив пландан ташқари ипак тайёрлаш юзасидан йиллик социалистик мажбуриятларини бажаришга яқинлашиб қолди.

(ЎзТАГ).

## МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

# ЕР ҲАЙДАСАНГ — КУЗ ҲАЙДА

Деҳқончилик агротехникасида ерни ишлаш — энг муҳим иш бўлиб, тупроқ унумдорлигини сақлашни, экинлардан муттасил мўл ҳосил олишни таъминлайди. Тупроқ унумдорлиги эса кўп жиҳатдан ерни тўғри ишлай билишга боғлиқ. Бунинг учун ҳар бир зонада тупроқ шароитларига қараб, ерни ишлаш муддатлари ва усуллари мавжуд.

Авваламбор шуни айтиш керакки, ер ўз вақтида — кузда сифатли шудгор қилинсагина, кутилган ҳосилни беради. Лекин агротехниканинг бу муҳим талабига ҳамиша ҳам тўла риоя қилинмаяпти. Кузги шудгор қишки ва баҳорги шудгорга айланиб қолди. Уни гоҳ лойгарчилик кезларда, гоҳ ер музлаганда, ҳатто қор билан қўшиб шудгорлаш одатга айланди. Кўпчилик раҳбарлар бу ҳол фойда эмас, балки фақат зарар келтиришини, ер ишдан чиқиб қолишини вақтида ҳисобга олишмади.

Хўш, нега шундай ҳол рўй берди? Асосий сабаб — шудгорлашда фан ютуқлари ва илғор тажрибаларга таянмасдан, унинг аҳамиятини камситиб, маъмуриятчилик йўли билан иш тутишда бўлди. Масалан, колхоз ва совхозларга планни эмас, ҳатто мажбуриятини бажарган, далаларда ҳосил қолмаган бўлса ҳам, район, область пахта тайёрлаш планини бажармагунча кузги шудгорга ижозат берилмай келди.

Ўтмишдаги энг катта хатолардан бири — аксарият ерлар маҳаллий ва минерал ўғитлар солинмасдан шудгорланди. Гўнгларнинг асосий қисми шудгор остига эмас, балки ғўза вегетацияси даврида қатор ораларига солинди. Ҳатто у ёзнинг иккинчи ярмида ҳам «шарбат» ҳолда оқизилди. Бунинг учун гўнг олдин фермалар ёнида тўпланиб, бироз қуригандан сўнг трактор ва машина ғилдираклари остида майдаланди, кейин ғўза қатор ораларига қуп-қуруқ ҳолда етиб борди. Ҳолбуки, илмий текширишлар очиқ ҳавода олти соат қолган гўнг миқдор жиҳатдан 30 фойизини, озуқа қимматини эса бир кеча-кундузда қарийб ярмини йўқотишини исботлаб берган. Шундай экан, гўнгни яхши сақлаб, тўла чириган ёки ярим чириган ҳолда қўллаш ўрнига, уни қуруқ ҳолда ёзда беришнинг ҳеч қандай нафи йўқ. У зарар келтиради: далаларни бегона ўтлар, айниқса ғумай, ажриқ, печак, шўра босиб кетади, атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келади. Хуллас, гўнг яхши фойда бериши учун уни кузги шудгор пайтида солиш лозим.

Ерни кузда шудгорлашнинг нафи нимада? Кузги шудгор биринчидан — ўсиш даврида зичлашиб қолган қатламни юмшатиб, уни донадор ҳолга келтиради. Иккинчидан — ёввойи ўтлар, уларнинг қолдиқлари, илдизлари, уруғлари, ҳашарот тухумлари, касаллик замбуруғлари ҳайдов чоғида шудгор остига тушиб, чуқур кўмилади ва баҳорга қадар чириб кетади. Далалар тозаланади. Учинчидан — ёғин-сочин сувларининг тупроққа яхши сингиши ва узоқ сақланиши таъминланади.

Ўз вақтида ўтказилган кузги шудгор олдидан ёки шудгорлашдан кейин шўр ювишнинг самараси ҳам жуда каттадир. Чунки бу пайтда ер ости сувлари ҳали анча чуқурликда бўлиб, ҳароратнинг иссиқ бўлиши туфайли тупроқнинг устки қисмидаги тузлар яхши эрийди ва у чуқур қатламларга тушиб кетади.

Кузги шудгор ташкилий ва иқтисодий томондан ҳам фойдали. Асосий ишлар (текислаш, маҳаллий ва минерал ўғитларни бериш, ҳайдаш ва ҳоказо) кузда бажарилиб, ер бегона ўтлардан тозаланган ва пўрсилдоқ ҳолга келганидан сўнг эрта баҳорда, экиш олдидан ортиқча ишларга ҳожат қолмайди. Меҳнат ва маблағ кам сарфланиб, чигит вақтида экилади ва у ернинг табиий намига ундириб олинади. Энг муҳими, ҳосил 20-25 процент ортади ва ялпи ҳосилнинг 85-90 процентини биринчи сортга териб олиш имкони туғилади.

Бободеҳқонларимиз ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда деб бежиз айтишмаган. Агротехниканинг бу муҳим соҳасида ҳайбаракаллачиликка, палапартишликка, юқоридан буйруқни кутиб ўтиришга йўл қўймаслик керак. Аксинча, кузги шудгор чоғида мутасадди раҳбарлар, агрономлар ва механизаторларнинг масъулияти ҳамда мустақиллигини ошириш лозим.

Чигит экиладиган майдонлар (Қўқон группаси ва қуйи Амударё хўжаликларидан ташқари) қора совуқ тушгунча, серёғин кунлар бошлангунча шудгорлаб қўйилиши керак. Шудгор олдидан паст-баланд жойлар текисланиши, ўқариқлар кўмилиши, маҳаллий ўғитларнинг асосий қисми, фосфорли ва калийли ўғитларнинг 70 проценти агрохимия картограммаларига кўра далаларга бир текисда сочиб чиқилиши ва фурсатни бой бермай тупроққа кўмилиши шарт. Бунда текислаш ишлари асосан кузги шудгор ва шўр ювиш ишларидан олдин ўтказилади. Шундагина ер яхши ювилиб, далалар бир текис шудгорланади.

Ўтган йили Наманган области пахтакорлари кузги шудгорни республикада биринчи бўлиб тугаллаганликлари туфайли бу йил баҳорги табиий офат — жала, дўл, сел ва қатқалоқлар уларни чўчитолмади. Ҳатто мавжуд майдоннинг деярли тенг ярмида чигит (июнь ойи бошларига қадар) қайта экилган бўлсада, областда йиллик пахта тайёрлаш плани бажарилди. Шу мисолнинг ўзиёқ кузги шудгорнинг вақтида ўтказилиши мўл ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Шудгорлашнинг муҳим қисми — ҳайдаш чуқурлиги бўлиб, у маданийлашган қатлам ҳажмини белгилайди. Шу пайтга қадар биз пахта майдонларини 30—32 сантиметр чуқурликда ҳайдаб келдик. Эндиликда эса бу ҳайдалма қатлам ҳосил ортиб боришини таъминлай олмайди. Чунки узоқ йиллар мобайнида ерни бир хил чуқурликда ҳайдаш, уни кўплаб суғориш ва оғир тракторлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ғилдираклари остида топталиши қатлам остини зичлаштириб юборди. Зичлашиб кетиш шу даражага бориб етдики, ундан ғўза, ҳатто бақувват беда илдизлари ҳам ёриб ўтолмаётир, натижада ниҳоллар ғоз панжа бўлиб, илдизлари фақат ҳайдалма қатлам доирасидагина қолиб кетмоқда. Бундай қаттиқ қатлам суғориш ва яхоб сувларининг сингишига тўсқинлик қиляпти, уларнинг самарасини камайтириб, сув сарфининг ортиб боришига, тузларнинг яна тезда юқори қатламларга кўтарилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Устига-устак, зичлашган қатлам — ўсимлик илдизи тараладиган асосий зонада ҳаво ва озуқа режимининг ҳам бузилишига, экин ҳосилини чеклаб қўйишга олиб келмоқда. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ҳайдалма қатлам ости ўта зичлашган ерларда пахта ҳосили 30—40 процентга камайиб кетяпти.

Ҳайдалма қатлами зичлашган ерларни юмшатиш мўл ҳосил олишнинг муҳим шарти эканлигини ҳисобга олиб иш кўраётган Ўзбекистон, Бағдод, Бувайда, Киров, Учқўрғон, Норин, Уйчи, Наманган, Поп ва бошқа районлардаги колхоз ҳамда совхозлар яхши натижаларга эришмоқдалар. Аниқроғи, улар ҳар гектар ердан 5—6 центнердан 8—9 центнергача қўшимча ҳосил олишни таъминламоқдалар. Бу районларнинг пахтакорлари «Андижанирмаш» заводида тайёрланган «ГР—0,8» маркали чуқур юмшатгични Т-4 тракторига осиб, ёки бошқа чуқур юмшатгичлар билан далаларни кўндалангига 60—70 сантиметр чуқурликда юмшатиб чиққандан сўнг узунасига ҳам 30—40 сантиметр чуқурликда ағдариб ҳайдамоқдалар.

Шуни алоҳида айтиш керакки, кейинги йилларда жуда катта майдонларни ажриқ, ғумай ва қамиш босиб кетдики, уларни йўқотиш учун энди ҳатто 40 сантиметр чуқурликда ҳам ҳайдаш кифоя қилмай қолди. Тажриба ва кузатишлар кўп йиллик бегона ўтлардан тўла қутулиш учун уларни камида 50 сантиметр чуқурликка кўмиш кераклигини кўрсатмоқда.

Кўп йиллик ва бир йиллик ёввойи ўтларни бутунлай йўқотишнинг энг самарали усули — гербицидларни йил сайин кўплаб ишлатиш эмас, балки ерни 50—60 сантиметр чуқурликда ағдариб ҳайдашга мослашган плуглар билан шудгорлашдир. Бунда тепадаги ўт илдизлари ва уруғлари тупроққа чуқур кўмилади, чирийди, дала улардан тозаланади. Юқорига чиқиб қолган унумсиз қатлам қора совуқ таъсирида музлаб, ўз табиатини ўзгартиради.

Яна бир гап. Вақтида сифатли шудгорланган майдонларга уруғ эрта муддатларда муваффақиятли экиб олингандан сўнг ниҳоллар серавж ўсади, кўп ҳосил тўплайди ва барвақт пишиб етилади. Айни пайтда тола ва чигит сифати ҳам юқори бўлади.

Хуллас, чуқур унумдор ҳайдалма қатламни вужудга келтириш — ердан интенсив фойдаланишнинг бош йўли. Шу боис, ҳозирги ғанимат фурсатни бой бермай, кузги-қишки ишларни намунали ташкил этиб шудгорни вақтида, сифатли ўтказиш ва келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш агросаноат комплекси барча ходимларининг муҳим вазифасидир.

**М. МУҲАММАДЖОНОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги.**
**А. ЗОКИРОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.**

## «МУХБИР» — «КОРРЕСПОНДЕНТ»

«Мухбир» — «Корреспондент» журналининг навбатдаги, ноябрь сони босмадан чиқди. Бу сон Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми тўғрисидаги ахборот билан очилади.

Журналнинг «Қайта қуриш — давр талаби» рубрикаси остида «Танқиднинг таъсир кучи», «Биринчи қадамлар ёки бир газета ҳақида икки фикр» сарлавҳали мақолалар ўрин олган.

Журналнинг бу сонида «Зарафшанский рабочий» шаҳар газетасининг мактаб ислоҳоти мавзуидаги материалларига обзор эълон қилинган.

«Завод матбуоти» рубрикаси остида «Қалби ёш» ҳамда «Сифат — муштарак вазифа» материаллари эълон қилинган.

«Телетомошабинлар билан ижодий ҳамкорликда» мақоласида Ўзбекистон телевидениеси ўз ишини қай тарзда қайта қураётгани ҳақида ҳикоя қилинади.

«Ўзбекистон Журналистлар союзининг VII съезди олдидан» рубрикаси остида Қорақалпоғистон Журналистлар союзи ишидаги камчиликлар хусусида фикр юритилган «Сусткашликдан қатъий халос бўлайлик» мақоласи эълон қилинган.

«Актив — редакция таянчи» рубрикасида «Ишчи мухбирлар пости хабар беради...», «Бизнинг штатсиз мухбиримиз», «Эшиклар ҳамиша очиқ» сингари қизиқарли материаллар билан танишиш мумкин. «Ёш журналист минбари» бўлимидан «Мавзуга етакловчи сўқмоқ», «Ҳаёт сабоқлари тугамайди» мақолалари ўрин олган.

Журналнинг бу сонида «Ижодий союзимиз», «Китоб жавони», «Матбуот тарихи саҳифалари» рубрикалари остида турли-туман материаллар берилган, ахборотлар ва рекламалар ҳам бор.

(ЎзТАГ).

